



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 14 » iyul

№ 441

Toshkent sh.

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ–5853-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ва “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ–4919-сон қарорига мувофиқ республика ҳудудларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий суғориш технологиялари жорий этиладиган майдонларни кенгайтириш, ушбу жараёнларга халқаро молия институтларининг инвестицияларини кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Roehren-und Pumpenwerk Bauer Gesellschaft.m.b.H.” компанияси (Австрия Республикаси) (кейинги ўринларда – “Bauer” компанияси) ўртасида “Bauer” компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган сувни тежайдиган замонавий технологияларни етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш бўйича имзоланган келишувга мувофиқ “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) молиялаштириш учун “UniCredit Bank Austria AG” банки томонидан 26 йил 6 ойга 8 йиллик имтиёзли даври билан 7,9 млн евро миқдорда Ўзбекистон Республикаси кафолати остида кредит бериш маъқуллаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш” лойиҳасини молиялаштириш учун “UniCredit Bank Austria AG” банкининг кредити бўйича асосий қарзни, унга ҳисобланадиган фоизлар ва бошқа тўловларни қайтариш прогноз жадвали 1-иловага мувофиқ;

б) қуйидагиларни назарда тутувчи **Замонавий ёмғирлатиб суғориш технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низом** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги суғориш технологияларини жорий этувчи ташаббускорларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузади;

суғориш технологияларини жорий этувчи ташаббускорлар эълон берилган кундан бошлаб бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига суғориш технологияларини жорий этиши тўғрисида белгиланган шаклдаги ариза ҳамда суғориш технологиялари жорий этиладиган ер участкаси ва жорий қилинадиган суғориш технологиялари тўғрисида маълумотларни тақдим этади;

ишчи гуруҳ суғориш технологияларини жорий этувчи ташаббускорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдим этилган ҳужжатларни беш иш кунда кўриб чиқади ҳамда манзилли рўйхатни шакллантиради.

3. Белгилансинки:

лойиҳа республиканинг барча ҳудудларида амалга оширилади;

лойиҳа доирасида жалб этиладиган кредитга хизмат кўрсатиш юзасидан эҳтимолдаги таваккалчиликларни қоплаш мақсадида мазкур кредитни қайта кредитлашда Ўзбекистон Республикаси маржаси 0,35 фоиз миқдорда бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Бурғилаш хизмати” МЧЖ – лойиҳа ижрочиси ҳисобланади;

лойиҳа ижрочиси лойиҳани бошқариш ва тўлиқ амалга ошириш ҳамда “UniCredit Bank Austria AG” банкидан жалб этилаётган кредит бўйича асосий қарз, ҳисобланадиган фоиз ва бошқа тўловларни 1-иловага мувофиқ белгиланган муддатларда тўланиши учун масъулдир;

“Unicredit Bank Austria AG” банкидан жалб этиладиган кредит бўйича асосий қарз, ҳисобланадиган фоизлар ва бошқа тўловлар (1-иловага мувофиқ) қайта кредитлаш тўғрисидаги битим шартлари асосида лойиҳа ижрочиси томонидан қопланади;

лойиҳа ижрочиси томонидан қайта кредитланган қарз маблағлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, ушбу қарздорлик Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари лойиҳани самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, Австрия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ тегишли ҳисобот ҳамда зарур ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлаш ва тақдим этишни ташкил этишга шахсан жавобгардирлар.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологиялари жорий этилган ерларга сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга солиқ солинмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида” 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ–4919-сон қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш харажатларини ва ушбу технологияларни харид қилишга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплашга субсидиялар тақдим этилиши ҳамда сув тежайдиган технологиялар жорий этилган ер майдонлари камида беш йил мобайнида мақбуллаштирилмаслиги;

Вазирлар Маҳкамасининг “Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора-таadbирлари тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарорига асосан фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси номидан “UniCredit Bank Austria AG” банки билан “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш” лойиҳасини молиялаштириш бўйича қарз битимини;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирилиги ва “Бурғилаш хизмати” МЧЖ (лойиҳа ижрочиси) ўртасида қайта кредитлаш тўғрисидаги битимни имзолаш ваколоти берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги Ўзбекистон Республикаси билан Австрия Республикасининг “UniCredit Bank Austria AG” банки ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги қарз битими бўйича юридик хулоса белгиланган тартибда берилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

лойиҳа учун ажратилган маблағлар доирасида суғориш технологияларини жорий этувчи ташаббускорлар манзилли рўйхатини (кейинги ўринларда – манзилли рўйхат) шакллантириш бўйича ўзининг расмий веб-сайтида ҳамда ахборот ресурсларида эълон берсин ҳамда икки ой муддатда манзилли рўйхатни белгиланган тартибда тасдиқласин;

ушбу қарорга 2-иловага мувофиқ тасдиқланган низомда белгиланган тартибда лойиҳа ижросиси билан ташаббускорар ўртасида сублойиҳа шартномалари имзоланишини ҳамда “Roehren-und Pumpenwerk Bauer Gesellschaft.m.b.H.” компанияси (Австрия Республикаси) билан суғориш технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш юзасидан тегишли шартнома имзоланишини таъминласин;

имзоланган шартномалар ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йиллик якуни билан Вазирлар Маҳкамасига маълумот тақдим қилиб борсин

9. Белгилаб қўйилсинки:

ташаббускорларга сублойиҳани амалга ошириш учун суғориш технологиялари уч йил имтиёзли давр билан ўн йил муддатга, йиллик 2,5 фоиз ставкада берилади;

ташаббускорлар шартнома умумий қийматининг камида 15 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг виза буюртманомаларига биноан лойиҳани амалга оширишга жалб этиладиган чет эллик мутахассислар учун кириш визаларини консуллик йиғимлар ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга виза расмийлаштирилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини белгиланган тартибда таъминласин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига 3-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “14” июлдаги 441-сон қарорига
1-илова

**“Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий
технологияларни жорий этиш” лойиҳасини молиялаштириш учун “UniCredit
Bank Austria AG” банкининг кредити бўйича асосий қарзни, унга
ҳисобланадиган фоизларни ва бошқа тўловларни қайтариш**

ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ*

Қарз миқдори	7 904 249,0 евро
Қарз муддати	26 йил 6 ой
Имтиёзли муддат	8 йил
Бир марталик тўловлар** шундан:	89 884,0 евро
кафолат мукофоти	17 800 евро (“UniCredit Bank Austria AG” банкига) 1440 евро (Экспорт-кредит агентлигига)
бошқарув учун тўлов	51 378 евро (жами қарз миқдоридан 0,65 %, “UniCredit Bank Austria AG” банкига)
мажбурият учун тўлов	19 267 евро (ечиб олинмаган қарз миқдоридан йиллик 0,65 %, “UniCredit Bank Austria AG” банкига) 0,9 % (асосий қарз қолдиқ миқдоридан)
Австрия Республикаси Экспорт- кредит агентлигининг кафолати учун мукофот маржаси	

евро

Тўлов санаси	Асосий қарз бўйича тўловлар суммаси	Австрия Республикаси Экспорт- кредит агентлигининг кафолати учун мукофот маржаси	Жами тўловлар суммаси***
		89 884,0**	89 884,00
01.10.2021		17 784,56	17 784,56
01.01.2022		17 784,56	17 784,56
01.04.2022		17 784,56	17 784,56
01.07.2022		17 784,56	17 784,56
01.10.2022		17 784,56	17 784,56
01.01.2023		17 784,56	17 784,56
01.04.2023		17 784,56	17 784,56
01.07.2023		17 784,56	17 784,56
01.10.2023		17 784,56	17 784,56
01.01.2024		17 784,56	17 784,56
01.04.2024		17 784,56	17 784,56
01.07.2024		17 784,56	17 784,56
01.10.2024		17 784,56	17 784,56
01.01.2025		17 784,56	17 784,56
01.04.2025		17 784,56	17 784,56
01.07.2025		17 784,56	17 784,56
01.10.2025		17 784,56	17 784,56

Тўлов санаси	Асосий қарз бўйича тўловлар суммаси	Австрия Республикаси Экспорт-кредит агентлигининг кафолати учун мукофот маржаси	Жами тўловлар суммаси***
01.01.2026		17 784,56	17 784,56
01.04.2026		17 784,56	17 784,56
01.07.2026		17 784,56	17 784,56
01.10.2026		17 784,56	17 784,56
01.01.2027		17 784,56	17 784,56
01.04.2027		17 784,56	17 784,56
01.07.2027		17 784,56	17 784,56
01.10.2027		17 784,56	17 784,56
01.01.2028		17 784,56	17 784,56
01.04.2028		17 784,56	17 784,56
01.07.2028		17 784,56	17 784,56
01.10.2028		17 784,56	17 784,56
01.01.2029		17 784,56	17 784,56
01.04.2029		17 784,56	17 784,56
01.07.2029		17 784,56	17 784,56
01.01.2030	213 628,50	35 088,46	248 716,96
01.07.2030	213 628,50	35 088,46	248 716,96
01.01.2031	213 628,50	33 165,80	246 794,30
01.07.2031	213 628,50	33 165,80	246 794,30
01.01.2032	213 628,50	31 243,15	244 871,65
01.07.2032	213 628,50	31 243,15	244 871,65
01.01.2033	213 628,50	29 320,49	242 948,99
01.07.2033	213 628,50	29 320,49	242 948,99
01.01.2034	213 628,50	27 397,84	241 026,34
01.07.2034	213 628,50	27 397,84	241 026,34
01.01.2035	213 628,50	25 475,18	239 103,68
01.07.2035	213 628,50	25 475,18	239 103,68
01.01.2036	213 628,50	23 552,53	237 181,03
01.07.2036	213 628,50	23 552,53	237 181,03
01.01.2037	213 628,50	21 629,87	235 258,37
01.07.2037	213 628,50	21 629,87	235 258,37
01.01.2038	213 628,50	19 707,22	233 335,72
01.07.2038	213 628,50	19 707,22	233 335,72
01.01.2039	213 628,50	17 784,56	231 413,06
01.07.2039	213 628,50	17 784,56	231 413,06
01.01.2040	213 628,50	15 861,91	229 490,41
01.07.2040	213 628,50	15 861,91	229 490,41
01.01.2041	213 628,50	13 939,25	227 567,75
01.07.2041	213 628,50	13 939,25	227 567,75
01.01.2042	213 628,50	12 016,59	225 645,09
01.07.2042	213 628,50	12 016,59	225 645,09
01.01.2043	213 628,50	10 093,94	223 722,44
01.07.2043	213 628,50	10 093,94	223 722,44
01.01.2044	213 628,50	8 171,28	221 799,78
01.07.2044	213 628,50	8 171,28	221 799,78
01.01.2045	213 628,50	6 248,63	219 877,13
01.07.2045	213 628,50	6 248,63	219 877,13

Тўлов санаси	Асосий қарз бўйича тўловлар суммаси	Австрия Республикаси Экспорт-кредит агентлигининг кафолати учун мукофот маржаси	Жами тўловлар суммаси***
01.01.2046	213 628,50	4 325,97	217 954,47
01.07.2046	213 628,50	4 325,97	217 954,47
01.01.2047	213 628,50	2 403,32	216 031,82
01.07.2047	213 628,50	2 403,32	216 031,82
01.01.2048	213 628,00	961,33	214 589,33
Жами	7 904 254,00	1 334 803,23	9 239 057,23

**) асосий қарзни, унга ҳисобланадиган фоизларни ва бошқа тўловларни қайтариши прогноз жадвали қарз битимига мувофиқ ўзгариши мумкин;*

****) қарз битимига асосан бир марталик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ҳисобидан шартномада белгиланган муддатларда тўланади ва лойиҳани амалга ошириши даврида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қоплаб берилади;*

*****) қарз битимига биноан асосий қарз (7 904 254 евро) ва унга ҳисобланган фоизлар ҳар 6 ойда (имтиёзли даврда ҳар 3 ойда) тўланади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “14” июлдаги 441-сон қарорига
2-илова

Замонавий ёмғирлатиб суғориш технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш” лойиҳаси (кейинги ўринларда – лойиҳа) доирасида “Roehren-und Pumpenwerk Bauer Gesellschaft.m.b.H.” компанияси (Австрия Республикаси) томонидан ишлаб чиқариладиган замонавий ёмғирлатиб суғориш технологияларини (кейинги ўринларда – суғориш технологиялари) ташаббускорларга етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ишлаб чиқарувчи ташкилот – лойиҳа доирасида суғориш технологияларини лойиҳа ижросига етказиб берувчи ҳамда тўлиқ ўрнатувчи ташкилот – “Roehren-und Pumpenwerk Bauer Gesellschaft.m.b.H.” компанияси (Австрия Республикаси);

лойиҳа ижрочиси – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Бурғилаш хизмати” МЧЖ;

ташаббускор – суғориш технологияларини жорий этиш истагини билдирган қишлоқ хўжалиги ташкилоти.

3. Суғориш технологияларини жорий этувчи ташаббускорлар манзилли рўйхатини шакллантириш ҳамда суғориш технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Суғориш технологияларини жорий этувчи ташаббускорларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш ҳамда суғориш технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш тартиби

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) суғориш технологияларини жорий этувчи ташаббускорлар манзилли рўйхатини (кейинги ўринларда – манзилли рўйхат) шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузади.

5. Вазирлик лойиҳа учун ажратилган маблағлар доирасида манзилли рўйхатни шакллантириш бўйича ўзининг расмий веб-сайтида ҳамда ахборот ресурсларида эълон беради.

6. Ташаббускорлар эълон берилган кундан бошлаб бир ой муддатда Вазирликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

суғориш технологияларини жорий этиши тўғрисида мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

суғориш технологиялари жорий этиладиган ер участкаси ва жорий қилинадиган суғориш технологиялари тўғрисида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги маълумотлар.

7. Вазирлик лойиҳани амалга ошириш доирасида талаб этиладиган кўшимча маълумотларни идоралараро ахборот тизимлари орқали ўзаро ҳамкорлик қилиш асосида олиши мумкин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар хокимликлари ташаббускорлар томонидан тегишли маълумотлар ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишида Вазирликка кўмаклашади.

9. Ишчи гуруҳ ташаббускорлар томонидан Вазирликка тақдим этилган хужжатларни ўн иш кунида кўриб чиқади ҳамда манзилли рўйхатни шакллантиради.

Манзилли рўйхатни шакллантириш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

ташаббускорларнинг ижара ҳуқуқи асосида ажратилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг мавжудлиги;

суғориш технологияларини жорий этиш учун сув ва электр таъминотининг мавжудлиги ёки унинг ташкил этилиши;

кенг қамровли суғориш технологиялари жорий этиладиган ер участкаси ўртгача қиялиги 10 градусда ортиқ бўлмаслиги ва яхлит контурда жойлашганлиги;

бизнес-режанинг (инвестицион давр мобайнида операцион харажатларни қоплаш манбаи мавжудлиги, сублойиҳани қоплаш муддати ва бошқалар) мавжудлиги;

солиқ ҳамда муддати ўтган кредитор қарздорликлари мавжуд эмаслиги.

Ишчи гуруҳ зарур ҳолларда ташаббускорлар томонидан тақдим этилган хужжатларнинг ҳаққонийлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

10. Ишчи гуруҳ ташаббускорлар томонидан тақдим қилинган хужжатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича уларни манзилли рўйхатга киритиш ёки киритишни асослантирилган ҳолда рад этиши тўғрисида қарор қабул қилади.

Ишчи гуруҳ қарори тегишли хулоса шаклида расмийлаштирилади. Хулоса ишчи гуруҳи аъзолари томонидан имзоланади ва ишчи гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланади.

11. Ушбу Низомнинг 6-банди талабларига жавоб бермаган ва манзилли рўйхатга киритилмаган ташаббускорлар ишчи гуруҳ томонидан бу тўғрисида беш иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

Ишчи гуруҳ қароридан норози бўлган ташаббускорлар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

12. Ишчи гуруҳ тасдиқланган хулосаларга асосан уч иш кунида манзилли рўйхатни шакллантиради ва тасдиқлаш учун вазирликка киритади.

Манзилли рўйхат ишчи гуруҳ аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири томонидан тасдиқланади.

Ташаббускорларнинг таклифлари ҳамда ишчи гуруҳнинг тасдиқланган хулосаларига асосан манзилли рўйхатга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

13. Вазирлик тасдиқланган манзилли рўйхатни ва ташаббускорлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни уч иш кунида ишлаб чиқарувчи ташкилотга етказди.

14. Ишлаб чиқарувчи ташкилот тақдим этилган ҳужжатлар асосида икки ой муддатда ҳар бир ташаббускор учун тижорат таклифларини шакллантиради ва Вазирликка тақдим этади.

15. Вазирлик тижорат таклифларини беш иш кунида ташаббускорларга ёзма ёки электрон шаклда давлат тилида тақдим этади.

Тижорат таклифларида қуйидаги шартлар назарда тутилади:

ташаббускорларга сублойихани амалга ошириш учун суғориш технологиялари уч йил имтиёзли давр билан ўн йил муддатга, йиллик 2,5 фоиз ставкада берилади;

ташаббускорлар шартнома умумий қийматининг камида 15 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади;

суғориш технологиялари ва уларнинг бутловчи қисмларини олиб кириш билан боғлиқ барча солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳамда божхона йиғимлари ташаббускорлар томонидан қопланади.

16. Ташаббускорлар берилган тижорат таклифларини ўн кун муддатда кўриб чиқади, уларнинг шартларини қабул қилиши ёки ўзгартириш киритиши юзасидан ўз таклифларини Вазирликка билдиради.

Вазирлик ва ташаббускорларнинг ўзаро келишуви асосида беш иш кунида якуний сублойиха буюртмаси шакллантирилади.

17. Вазирлик якуний сублойиха буюртмасини ўн иш кунида ишлаб чиқарувчи ташкилотга тақдим этади ҳамда якуний тижорат таклифларини олади.

18. Вазирлик якуний тижорат таклифларини ташаббускорлар билан шартнома имзолаш учун бир иш кунида лойиха ижрочисига тақдим этади.

19. Лойиха ижрочиси ўн иш кунида якуний тижорат таклифлари асосида суғориш технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш тўғрисидаги шартнома лойихасини ишлаб чиқади ҳамда ташаббускорларга ёзма ёки электрон шаклда етказди.

20. Ташаббускорлар бир ой муддатда шартнома лойихаларини ўрганиб чиқади ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда имзолайди ва лойиха ижрочисига ёзма ёки электрон шаклда етказди.

Лойиха ижрочиси сублойиха шартномаларини белгиланган тартибда имзолайди ва Вазирликка тақдим қилади.

21. Вазирлик имзоланган сублойиха шартномалари асосида бир ой муддатда ишлаб чиқарувчи ташкилот билан суғориш технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш бўйича шартномани белгиланган тартибда имзолайди.

22. Ишлаб чиқарувчи ташкилот имзоланган шартномада белгиланган муддатларда суғориш технологиялари ва уларнинг бутловчи қисмларини лойиха ижросига етказиб беради.

3-боб Лойихани молиялаштириш тартиби

23. Лойиха ижросиси ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан етказиб берилган суғориш технологиялари ва уларнинг бутловчи қисмларини белгиланган тартибда қабул қилиб олади ҳамда бу ҳақда Вазирликка ёзма маълумот тақдим қилади.

24. Вазирлик беш иш кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини суғориш технологиялари ва уларнинг бутловчи қисмларини қабул қилиб олинганлиги ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

25. Ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан етказиб берилган суғориш технологиялари ва уларнинг бутловчи қисмлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва молиялаштирувчи банк ўртасида тузилган кредит битими шартлари асосида молиялаштирилади.

26. Лойиха ижросиси суғориш технологияларини шартнома асосида ташаббускорларга етказиб беради.

Бунда ташаббускорлар шартнома умумий қийматининг камида 15 фоизи миқдорини олдиндан тўлаши шарт.

27. Етказиб берилган суғориш технологияларининг шартнома қиймати еврода белгиланиб, сублойиха ташаббускорлари томонидан миллий валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун евронинг сўмга нисбатан валюта қийматида қайтариш графигига мувофиқ қайтарилади.

28. Белгиланган тўлов жадвалининг учинчи йилидан бошлаб асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўловлари бўйича тўланмаслик хавфи ташаббускорлар томонидан тўрт йил муддатга белгиланган тартибда суғурталанади.

29. Суғориш технологияларини табиий офатлардан ва қасддан зарар етиш хавфи ташаббускорлар томонидан камида уч йил муддатга белгиланган тартибда суғурталанади.

30. Лойиха доирасида ташаббускорларнинг ер участкасида тўлиқ ўрнатилган суғориш технологиялари асосий қарз ва фоиз тўловлари бўйича гаров таъминоти объекти ҳисобланади.

4-боб. Суғориш технологияларини ташаббускорларнинг ер участкаларига тўлиқ ўрнатиш

31. Ташаббускорлар ер участкаларига суғориш технологияларини тўлиқ ўрнатиш учун зарур бўладиган электр ва сув таъминоти тармоқларини қуриш ишларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

32. Лойиҳа ижрочиси:

ишлаб чиқарувчи ташкилот билан биргаликда суғориш технологияларини ташаббускорларнинг ер участкасига тўлиқ ўрнатади;

ташаббускорлар иштирокида суғориш технологиялари синовини белгиланган тартибда ўтказди, мавжуд камчиликларни бартараф қилади;

суғориш технологияларини топшириш ва қабул қилиш ишларини белгиланган тартибда далолатнома асосида амалга оширади;

ташаббускорлар ер участкасида ўрнатилган суғориш технологияларига ўн йил муддат давомида шартнома асосида техник хизмат кўрсатади, шундан дастлабки икки йили кафолатланган муддат ҳисобланади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

33. Шартномаларнинг бажарилиши бўйича низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

34. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган томонлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Замонавий ёмғирлатиб суғориш
технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ
ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Суғориш технологияларини жорий қилувчи ташаббускорларнинг манзилли
рўйхатини шакллантириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъект	Тадбир номи	Ижро муддати
1-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Манзилли рўйхатни шакллантириш бўйича ўзининг расмий веб-сайтида ҳамда ахборот ресурсларида эълон бериш.	
2-босқич	Ташаббускорлар	Вазирликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш: суғориш технологиялари жорий этиши тўғрисида ариза; суғориш технологиялари жорий этиладиган ер участқаси ва жорий қилинадиган суғориш технологиялари тўғрисида маълумотлар.	Эълон берилган кундан бошлаб бир ой муддатда
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар хокимликлари	Ташаббускорлар томонидан тегишли маълумотлар ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишида Вазирликка қўмаклашиш.	Доимий
4-босқич	Ишчи гуруҳ	Ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда манзилли рўйхатни шакллантириш. Ташаббускорларни манзилли рўйхатга киритиш ёки киритишни асослантирилган ҳолда рад этиши тўғрисида тегишли хулоса расмийлаштириш. Хулосани ишчи гуруҳ аъзолари томонидан имзолаш ва ишчи гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқлаш. Манзилли рўйхатга киритилмаган ташаббускорларни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиш.	Ўн иш кунида Беш иш кунида

	Ишчи гуруҳ	Манзилли рўйхатни шакллантириш. Манзилли рўйхатни ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари томонидан имзолаш.	Уч иш кунда
5-босқич	қишлоқ хўжалиги вазири	Манзилли рўйхатни тасдиқлаш. Тасдиқланган манзилли рўйхатни ва ташаббускорлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ишлаб чиқарувчи ташкилотга етказиш.	Уч иш кунда
6-босқич	Ишлаб чиқарувчи ташкилот	Ҳар бир ташаббускорлар учун тижорат таклифларини шакллантириш ва Вазирликка тақдим этиш.	Икки ой муддатда
7-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазири	Тижорат таклифларини ташаббускорларга ёзма ёки электрон шаклда давлат тилида тақдим этиш.	Беш иш кунда
8-босқич	Ташаббускорлар	Тижорат таклифларини кўриб чиқиш, уларнинг шартларини қабул қилиши ёки ўзгартириш киритиши юзасидан ўз таклифларини Вазирликка билдириш.	Ўн кун муддатда
9-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазири	Ташаббускорлар билан ўзаро келишув асосида якуний сублойҳа буюртмасини шакллантириш. Якуний сублойҳа буюртмасини ишлаб чиқарувчи ташкилотга тақдим этиш ҳамда якуний тижорат таклифларини олиш. Якуний тижорат таклифларини ташаббускорлар билан шартнома имзолаш учун лойиҳа ижрочисига тақдим этиш.	Беш иш кунда Ўн иш кунда Бир иш кунда

10-босқич	Лойиха ижрочиси	Суғориш технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш тўғрисидаги сублойиханинг шартнома лойихасини ишлаб чиқиш ҳамда ташаббускорларга ёзма ёки электрон шаклда етказиш.	Ўн иш кунда
11-босқич	Ташаббускорлар	Сублойиха шартнома лойихасини ўрганиб чиқиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда имзолаш ва лойиха ижрочисига ёзма ёки электрон шаклда етказиш.	Бир ой муддатда
12-босқич	Лойиха ижрочиси	Сублойиха шартномаларини белгиланган тартибда имзолаш ва Вазирликка тақдим қилиш.	
13-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ишлаб чиқарувчи ташкилот билан суғориш технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ ўрнатиш бўйича шартномани белгиланган тартибда имзолаш.	Бир ой муддатда
14-босқич	Ишлаб чиқарувчи ташкилот	Суғориш технологиялари ва уларнинг бутловчи қисмларини лойиха ижрочисига етказиб бериш.	Шартномада белгиланган муддатларда
15-босқич	Лойиха ижрочиси	Суғориш технологиялари ва уларнинг бутловчи қисмларини белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ҳамда бу ҳақда Вазирликка ёзма маълумот тақдим қилиш.	Шартномада белгиланган муддатларда
16-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Молия вазирлигини суғориш технологиялари қабул қилиб олинганлиги ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиш.	Беш иш кунда
17-босқич	Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Етказиб берилган суғориш технологияларини молиялаштириш.	Белгиланган муддатларда

18-босқич	Лойиха ижрочиси	Суғориш технологияларини шартнома асосида ташаббускорларга етказиб бериш.	Белгиланган муддатларда
19-босқич	Ташаббускорлар	Суғориш технологияларини тўлиқ ўрнатиш учун зарур бўладиган электр ва сув таъминоти тармоқларини куриш ишларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш.	Шартномада белгиланган муддатларда
20-босқич	Лойиха ижрочиси	<p>Ишлаб чиқарувчи ташкилот билан биргаликда суғориш технологияларини ташаббускорларнинг ер участкасига тўлиқ ўрнатиш.</p> <p>Ташаббускорлар иштирокида суғориш технологиялари синовини белгиланган тартибда ўтказиш.</p> <p>Суғориш технологияларини топшириш ва қабул қилиш ишларини белгиланган тартибда далолатнома асосида амалга ошириш.</p> <p>Ўрнатилган суғориш технологияларига шартнома асосида техник хизмат кўрсатиш.</p>	<p>Жадвал бўйича</p> <p>Жадвал бўйича</p> <p>Жадвал бўйича</p> <p>Ўн йил муддат давомида</p>

Замонавий ёмғирлатиб суғориш
технологияларини етказиб бериш ва тўлиқ
ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

(ТАШКИЛОТНИНГ РАСМИЙ БЛАНКАСИ)

“ _____ ” _____ 20__ йил № _____

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазири
_____ га
(Ф.И.О.)

Нусхаси: _____ вилояти,
_____ туман ҳокими
_____ га
(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга ошириладиган “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш” лойиҳасида иштирок этишга ҳамда имтиёзли тўлов шартлари асосида замонавий ёмғирлатиб суғориш технологияларини харид қилишга тайёрлигимизни маълум қиламиз.

Замонавий ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун _____ вилояти, _____ туманининг “_____” массиви худудида жойлашган жами _____ гектар ер участкаси танланган.

Ушбу ер участкасида замонавий ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун зарур бўладиган барча инфратузилма объектларини (электр ва сув таъминоти, зарур сифимдаги сув тиндиргич, насос ва бошқалар) барпо этишни ўз ҳисобимиздан амалга оширишга **кафолат берамиз**.

Лойиҳада иштирок этиш учун зарур маълумотлар илова қилинади.

_____ (ташкилот раҳбари)

_____ (имзо, муҳр)

_____ (Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “14” июл даги 441 -сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда
божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган,
ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик
асбоб-ускуналар рўйхатига киритилаётган
қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 58¹-банд билан тўлдирилсин:

“

58 ¹ .	8413811000	Насослар
-------------------	------------	----------

 ”.

2. Қуйидаги мазмундаги 142¹-банд билан тўлдирилсин:

“

142 ¹ .	8424821000	Қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчилик учун суғориш қурилмалари (томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари)
--------------------	------------	---

 ”.

3. Қуйидаги мазмундаги 143¹-банд билан тўлдирилсин:

“

143 ¹ .	8424900000	Қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчилик учун суғориш қурилмалари (томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари) бутловчи қисмларини.
--------------------	------------	--

 ”.

